



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 19 июль, № 147 (8490)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖИДДАГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Жидда шаҳрининг халқаро аэропортида мамлакатимиз етакчисини Макка минтақаси ҳокими ўринбосари шаҳзода Бадр бин Султон Ол Сауд ва бошқа

расмий шахслар кутиб олди. Саммитнинг асосий тадбирлари — “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги давлат раҳбарлари

йиғилиши ҳамда икки томонлама музокаралар 19 июль куни бўлиб ўтади. Кун тартибига мувофиқ, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва

маданий-гуманитар соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Ў.А.

Дунё нигоҳи

Жўшқин ва кўп қиррали
ислохотлар, очиқ ташқи
сиёсат ва халқаро
майдондаги қатъий
сабъ-ҳаракатлар туфайли
ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ ВА
ИШОНЧ ОРТИБ БОРМОҚДА

Саудия Арабистонининг етакчи
оммавий ахборот воситалари
Ўзбекистонда кечаётган
ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига туртки бермоқда.

Ўтган йилнинг 17-18 август кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига бўлиб ўтган ташрифи Ўзбекистон ва Саудия ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ҳар икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида чуқурлаштиришнинг энг ишончли гарови бўлди.

тирмоқда. Саудиядан Ўзбекистонга сайёҳлар сонини кўпайтириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, икки давлат шаҳарлари ўртасида авиақатновлар сони ортмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар, мамлакатни янада ривожлантириш бўйича жамиятнинг барча соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали натижалари Саудия Арабистонининг етакчи оммавий ахборот воситаларининг қизиқишига сабаб бўлаётир.

Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти хузуридаги

“Ўзбекистон ташқи
сиёсат соҳасида
хорижий
мамлакатлар,
айниқса, қўшни
давлатлар билан
дўстона ва ўзаро
манфаатли
муносабатларни
ривожлантириш
борасида салмоқли
натижаларга
эришмоқда.”

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ижтимоий-сиёсий, иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, муқобил энергия манбалари асосида ишлайдиган электр станцияларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратиляпти. Бундан ташқари, томонлар ўртасида нефть-газ саноати, соғлиқни сақлаш, металлургия, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация соҳаси, транспорт ва логистика, фонд бозорини ривожлантириш ва туризм каби қатор йўналишларда қўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш бўйича келишувларга эришилган.

Маънавий-маърифий соҳада ҳам мамлакатларимиз жуда яқин алоқаларни йўлга қўйган. Ўзбекистон ислом оламининг буюк алломалари воёга етган замин ҳисобланади. Ушбу омил Саудия аҳолисининг Ўзбекистонга нисбатан қизиқишини кучай-

Ахборот агентликларини уюшмаси (UNA) электрон саҳифасида 14 июль куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг сайланган Президентининг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган мақола эълон қилинди. Ушбу мақола, шунингдек, UNAnинг “Twitter” ижтимоий тармоғидаги аккаунтига ҳам жойлаштирилди.

Мақолада таъкидланганидек, мамлакатимиз парламенти — Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президентининг лавозимига киришиш маросимида давлат раҳбари келгуси етти йил учун янги муддатни қўлга қиритгач, тантанали қасамёд қилди.

“Президент ўз нутқида мамлакатнинг келгуси етти йилга режалаштирилган стратегик мақсадларини ўз ичига олган “Йўл харитаси” ҳақида маълумот бера туриб, ижтимоий соҳани ривожлантириш, тadbиркорлик имкониятини кенгайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётига сарможа жалб этиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратди”, дея таъкидланади ИХТ UNA нашрида. UNA муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловида тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича кампания жараёнини кенг ёритди.

“Strategic File” онлайн газетасида муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловида бағишланган таҳлилий мақола жойлаштирилди.

➡2



Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари:

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР, ЯНГИ ЙЎЛЛАР, ЯНГИ БОЗОРЛАР

Ўзбекистонда кузатилаётган жиддий модернизация ва ислохотлар жараёни мамлакат ташқи сиёсатида ўз ифодасини топмоқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ташқи сиёсат йўналишида эришилган натижалар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мустақам пойдевор бўлди. Унинг асосида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатдаги ижобий ўзгаришлар мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилмоқда.

Биз ва жаҳон

Тараққиёт стратегиясининг “очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш”га оид бир қатор стратегик мақсадлар ва вазифалари Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама дипломатиясини янада фаоллаштиришга қаратилган. Жумладан, Тараққиёт стратегиясида Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш; ЖСТга аъзо бўлиш ва ЕОИИ билан интеграция жараёнини чуқурлаштириш; МДҲ мамлакатлари билан аъёнавий стратегик ҳамкорликни жадаллаштириш, шунингдек, “Марказий Осиё” давлатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқотлар платформасида иштирок этиш каби долзарб вазифалар белгиланган.

Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги биринчи саммитда қатнашаётганлиги ҳам яна бир муҳим минтақадаги давлатлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг ривожланиши ҳамда кенгайишига хизмат қилади.

Кўрфаз минтақаси транспорт-логистика йўналишларини ўзаро боглаш учун янги истиқболлар очади, худудлараро савдонинг ривожлантириш билан бирга янги бозорларга чиқиш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш имконини яратади. Натижада нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз — Марказий Осиё ҳам улкан имкониятлар ва

ҳамкорлик макони ўлароқ Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни богловчи минтақалараро шерикликнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, халқаро майдонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар шароитида минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини таъминлаш, ахил қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, яқин ҳамкор хорижий давлатлар ҳамда минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида миллий манфаатларни кўп томонлама дипломатиянинг самарали воситалари орқали фаол илгари суриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Минтақалараро ҳамкорлик ривожига муҳим майдон

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан минтақа ҳамкорлигига оид келишилган ёндашувлар ишлаб чиқилди, бу давлатларимизнинг халқаро майдондаги яқин шериклигида яққол намоён бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар натижасида сўнгги йилларда минтақа мамлакатлари “Марказий Осиё плюс” (ЕИ, Ҳиндистон, Хитой, Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши) муноқот формати доирасида дунёнинг етакчи давлатлари ва марказлари билан муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ўзига хос умумий ёндашув ишлаб чиқди.

➡2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 11 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шу жумладан ёшларни футболга кенг жалб этиш, футбол соҳасида халқаро талаблар ҳамда стандартлар асосида истиқболли ва иқтидорли ўйинчилар, тренерлар ва ҳакамларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт заҳирасини шакллантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга бугунги кунда иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини ва футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, футбол бўйича спорт мактабларининг фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтариш, соҳада маркетинг ва замонавий бошқарув механизмларидан самарали фойдаланиш, ўтказилаётган мусобақалар савиясини юксалтириш мақсадида амалдаги солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатини узайтириш зарурати мавжуд.

Ушбу Қонун иқтидорли ёш ўйинчиларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйишга, футбол клублари фаолиятини ривожлантиришга, терма жамоалар учун ўқув-масқ жараёнини самарали ташкил этишга, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақаларни, шу жумладан ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ҳамда қитъа биринчиликлари юқори даражада ташкил этишни таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРК–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўдирилсин:

«2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлиналари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази ва профессионал футбол клублари:

барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно);

ўзи жалб қилган чет эл мутахассислари ва футболчиларининг даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ўхшаш ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари ва инвентари, трансляция қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, инвентарь ва техника, фармакология товарлари, спорт озик-овқатлари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елимлар ва махсус профессионал спорт кийим-бошлари, транспорт воситалари, шу жумладан махсус транспорт воситалари учун қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод этилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг қоидалари 2023 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2023 йил 18 июль

№ ЎРК—857

Муносабат

ЮКСАК МАРРАЛАР МАМЛАКАТНИ ТАРАҚҚИЁТГА ЧОРЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида мамлакат тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган бир қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Олий Мажлис палаталари аъзолари давлатимиз раҳбари томонидан айтиб ўтилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, келгусида амалга ошириладиган устувор вазифаларни белгилаб олмақда.

3-саҳифага қаранг. ➡





Суратлар president.uz сайтидан олинди.

Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари:

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР, ЯНГИ ЙЎЛЛАР, ЯНГИ БОЗОРЛАР

Жидда шаҳрида бўлиб ўтаётган Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши саммити ҳам давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишлари учун муҳим майдон вазифасини ўтамоқда. Қайд этиш жоизки, бу — минтақалар тарихида давлат раҳбарларининг бундай форматдаги биринчи саммити. Унда кенгашга аъзо олти давлат — БАА, Бахрайн, Саудия Арабистони, Қатар, Кувайт, Ўмон ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон раҳбарлари иштирок этаётди.

Шу ўринда кенгашга аъзо давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда, тузилма тарихи, мақсад ва вазифаларига тўхталмоқ жоиз. Мавлумки, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши 1981 йил 25 майда ташкил этилган. Ташкилот унга аъзо давлатларнинг барча соҳа бўйича ҳамкорлигини кенгайтириш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан умумий позицияларни ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Кўрфаз ўзининг алоҳида мавқеига кўра уч қитъа ўртасидаги энг йирик алоқа маркази ҳисобланиши, бой ресурсларнинг мавжудлиги ва дунёнинг йирик сув ҳавзалари билан боғлиқлиги бу ҳудудни дунёдаги энг муҳим стратегик минтақалардан бирига айлантирган. Бу сув йўли мазкур ҳудуд давлатлари учун ички ва минтақавий майдонларда ҳам жуда муҳим. Шунга кўра бу мамлакатлар қўшничилик сиёсатиغا уруғ бериб, ушбу сув ҳудуди минтақада хавфсизлик ва барқарорлик кафолати ҳамда халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли эканини, бошқалар ҳам Кўрфаз атрофидаги мамлакатлар ҳудудида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилишини ҳурмат қилишлари лозимлигини таъкидлаб келади.

Африка ва Европа бозорларига чиқиш эшиги

Сўнгги ўн йилликларда Кўрфаз араб давлатлари ўзларининг турли хил имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ва ташқи дунёга қарамлик ҳолатини камайтиришга ҳаракат қилиш орқали рўй бераётган ўзгаришларга мослашиш учун катта қобилиятни намойиш этди. Умуман, Яқин Шарқ ва хусусан, Кўрфаз субминтақаси тобора стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Субминтақа нафақат табиий ресурсларга, биринчи навбатда, энергияга бой, балки дунёнинг асосий денгиз ва куруқлик йўлларига, шунингдек, Африка ва Европа бозорларига чиқиш эшигидир.

Ўзбекистон ва Кўрфаздаги араб мамлакатларини географик жиҳатдан яқинлик, умумий тарих, дин ва маданий бирлаштиради. Ўтмишда араб дунёси ва Марказий Осиё мамлакатлари ягона маданий-цивилизациявий ва иқтисодий маконга кирган. Бу ҳозирги кунда ҳам уларнинг ўзаро алоқаларида муҳим аҳамият касб этади. Дунё мусулмонларини бирлаштириб турувчи муқаддас қадамжоларнинг Саудия Арабистонида жойлашгани ҳам бунга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг Кўрфаз араб давлатлари билан ташқи сиёсати минтақа атрофида барқарорлик ҳамда хавфсизлик белбоғини барпо этиш ма-

салаларини ўз ичига олган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган асосий вазифалардан келиб чиқади. Шунингдек, Кўрфаздаги араб давлатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш бошқа бир неча омилларга боғлиқ.

Биринчидан, географик жиҳатдан денгиз йўлларида ажралган Ўзбекистон учун араб давлатлари билан ҳамкорлик қилиш устувор вазифасини ҳал этиш, яъни Марказий Осиёда транзит, транспорт ва коммуникация тармоқларини барпо қилишда муҳим роль ўйнайди. Бу мамлакатлар Марказий Осиё минтақасини Ўрта Ер, Қизил ва Араб денгизлари, Сувайш канали ва кўрфаз билан бирлаштирган ҳолда, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида транзит ҳудуд ролини ўйнаши мумкин.

Иккинчидан, Кўрфаз араб давлатлари худди Ўзбекистон ва минтақамиз мамлакатлари каби турли низолаarga аралашиб қолмаслиқни афзал билади ва хавфсизлик муаммоларини тартибга солишда иқтисодий масалаларга муҳим мавзу сифатида қарайди. Хусусан, Ўмон, Кувайт, Қатар йирик минтақавий геоекотисодий лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Шунинг учун кўрфаздаги давлатлар Эронга нисбатан конфронтацион муносабатдан воз кечиб, ҳамкорлик йўлини тутмоқда.

“Кўрфаз минтақаси транспорт-логистика йўналишларини ўзаро боғлаш учун янги истиқболлар очади, ҳудудлараро савдонини ривожлантириш билан бирга янги бозорларга чиқиш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш имконини яратлади. Натижада нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз — Марказий Осиё ҳам улкан имкониятлар ва ҳамкорлик макони ўлароқ Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи минтақалараро шерикликнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланади.

бистони, Кувайт, Қатар, БАА, Бахрайн — дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари учун узоқ муддатли капитал манбаидир. Жумладан, БАА инвестиция жамғармасининг маблаглари 1 трлн. АҚШ долларидан ошади. Кўрфаз мамлакатларида умумий инвестиция капитали ҳажми 3,2 трлн. АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Кўрфазнинг етакчи араб давлатлари хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, улар бу тажрибани Ўзбекистон билан ўртоқлашиши мумкин.

Кўрфаз мамлакатларининг халқаро муносабатлар тизими-га таъсири, халқаро савдо ва саноатда ўрни ва аҳамияти, инвестициявий ва технологик имкониятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон улар билан ўзаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор. Бу ҳам минтақавий хавфсизлик муаммоларини тартибга солиш, ҳам миллий иқтисодий тараққиётни янада рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликдан энг манфаатдор мамлакат сифатида унинг оғирини енгил қилишга, иқтисодиётини оёққа турғазига, минтақавий лойиҳаларга жалб этишга, инфратузилмаларини тиклашга ёрдам кўрсатиш учун

астойдил бел боғлаган. Мазкур жараёнда нуфузли Кўрфаз араб давлатларининг Афғонистонни барқарорлаштириш жараёнига жалб қилиниши муҳим роль ўйнайди. Бу зарур даражадаги давлатлараро ишончга эришиш ва тўлақонли шериклиқни йўлга қўйиш ишига ҳам йўл очади.

Ўзаро ўрганишдан — мустақкам алоқалар сари

Ўзбекистоннинг Кўрфаз давлатлари ва умуман, араб давлатлари билан муносабатларини шартли равишда икки даврга ажратиш мумкин: ўтган асрнинг 90-йилларидан 2017 йилгача ва 2017 йилдан бүгунги кунгача.

Биринчи даврда эришилган қатор давлатлараро қелишувлар Ўзбекистон Республикасининг араб мамлакатлари билан ҳозирги ўзаро муносабатларини фаоллаштиришда асос бўлиб хизмат қилди. Хусусан, Кувайтга (2004 й.), БААга (2008 й.), Ўмонга (2009 й.) ташрифлар амалга оширилган. Минтақалар яқинлиги тўғрисидаги дўстона гапларга қарамасдан, томонлар муносабатлари ўртасида жиддий силжишлар кузатилмади. Экспертлар фикрича, 2000 йилларнинг бошларигача Саудия подшоҳлиги, БАА, Кувайт ва бошқа давлатлар етакчилари Марказий Осиё мамлакатларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш билан чекланган. Ўзбекис-

тон ва Кўрфаз мамлакатлари, хусусан, Саудия Арабистони ўртасида имзоланган қелишувлар тўла амалга оширилмади. Бу кўп жиҳатдан Яқин Шарқ ва Афғонистонда давом этган беқарорлик билан боғлиқ эди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам араб оламининг барча имкониятини синчиклаб ўрганди. Шу тарафдан, 2017 йилгача бўлган биринчи даврни ўзаро ўрганиш, имкониятларни қидириш, чекланган алоқалар ва таъбир жоиз бўлса, ишонсизлик босқичи деб таърифлаш мумкин.

2017 йилда халқаро ва ички вазиятнинг кучайиши шароитида мамлакатимизнинг янги Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ташқи сиёсатини ривожлантиришнинг янги стратегиясини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Унда Марказий Осиё минтақаси ва унинг яқин қўшниларига устувор аҳамият қаратилди. Шундан сўнг 2017 йил май ойида БАА ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири шайх Абдулла бин Зоид Ол Наҳаёнинг Ўзбекистонга, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил май ойида араб-мусулмон олами ва АҚШ раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига, 2019 йил 24 — 26 март кунлари БААга ташрифи араб — ўзбек муносабатлари ривожига янги босқични бошлаб берди. Қолаверса, Кўрфаз давлатлари вакиллари “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясида, 2021 йил февралда Тошкентда ўтказилган Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигига бағишланган халқаро анжуманда иштирок этди.

Замонавий иқтисодиёт чакирлари ва глобал мижёсда кузатилаётган ҳозирги инқирозни енгиб ўтиш бугунги кунда халқаро кун тартибидagi энг муҳим масала. Ўзбекистон ва минтақамиз давлатларида кузатилаётган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, божхона тўсиқларини олиб ташлаш ва эркин савдо зонасини яратиш каби жараёнлар Кўрфаз араб давлатларида ҳам кузатилмоқда. Бу каби тенденциялар араб давлатлари билан минтақалараро иқтисодий ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшигини очади.

Биргина 2018 йил март ойидаги Ўзбекистон ва БАА музокаралари давомида икки томонлама ҳамкорлиқни турли йўналишларда кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, энергетика, банк-молия, қишлоқ ҳўжалиги, маданий-гуманитар, сайёҳлик ва бошқа соҳалар бўйича амалий ҳамкорлиқни мустақкамлаш масалаларининг муҳокама қилингани, 10 миллиард АҚШ долларига тенг ўзаро манфаатли икки томонлама ҳужжатлар ва инвестициявий қелишувлар имзолангани бежиз эмас. Бундай минсоллар эса жуда кўп. Умуман,

муносабатлардаги ҳозирги фаоллик қандайдир янги ҳодиса эмас. Бу кўпроқ 1990-йилларда араб олами билан кўзда тутилган ўзаро манфаатли ва прагматик муносабатларни янги шароитларда қуришнинг давом эттирилиши ва тезлашишидир.

Прагматизм, рационализм, ташаббуслар — яқинлашув пойдевори

Яқин Шарқда қелишмовчиликлар ва низола, ички сиёсатдаги мураккабликларнинг сақланиб қолишига қарамасдан, ҳозирги араб — ўзбек ҳамкорлиги олдингига нисбатан анча фаол ва иқтисодий хусусият касб этади, минтақавийлик, прагматизм, рационализм ва давлатлараро манфаатларнинг мутаносиблиги таъминиларидан келиб чиқади. Томонлар бир-бирларини етарлиқ ўрганди ва бугунги кунда халқ дипломатияси сингари воситалардан, иқтисодиёт ва маданият, таълим ва дин соҳалари бўйича ҳамкорлик қилишдан самарали фойдаланмоқда.

Боз устига, бугун Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш мақсадида Ишбилармонлар кенгашини тузиш, транспорт соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилишини жадаллаштириш, шунингдек, транспорт вазириларни йиғилишлари форматини йўлга қўйиш бўйича тақдирлар ўртага ташланаётгани эътиборга молик. Айни пайтда биргаликда клиникалар фаолиятини йўлга қўйиш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар таълими марказларининг филиалларини очиш, илмий ва академик алмашинувларни жадаллаштириш, инновацион ишланмалар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда лойиҳалар амалга оширилиши минтақалараро ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Кенгаш ва Марказий Осиё мамлакатларининг умумий меросини асраб-авайлаш мақсадида ҳамкорликда кўрғазма ва конференцияларни ташкил этиш, қўлзма фондини рақамлаштириш ва қўшма виртуал кулбухоналарни яратиш, музейларнинг бевоcита алоқаларини рағбатлантириш, тарихий-археологик тадқиқотлар ўтказишни назарда тутувчи қўшма тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан ташаббуслар илгари суриялтиқки, булар ҳам дўстона муносабатларимиз, халқларимиз яқинлашувининг пойдевори бўлишига шубҳа йўқ.

Мухтасар айтганда, “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммити мазкур минтақаларни барқарор ришталар билан боғлаш, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини мустақкамлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, кўп томонлама асосда бундай тузилмалар билан мулоқотлар Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва ролини янада мустақкамлаш, ёнтарфода хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини янада юксалтириш, республиканинг ташқи иқтисодий манфаатларини фаол тарзда илгари суриш, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва илгор технологияларни жалб қилишга ҳисса қўшади. Мамлакатимизда туристик инфратузилмани ривожлантириб, сайёҳлар оқимини ошириш, транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ҳамда халқаро транспорт коммуникациялари ва логистик инфратузилмалардан фойдаланишда имкониятларимизни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу маънода, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти ва кўп томонлама дипломатиясида янги саҳифа очилмоқда.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

Жўшқин ва кўп қиррали ислохотлар, очиқ ташқи сиёсат ва халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистонга қизиқиш ва ишонч ортиб бормоқда

Саудия Арабистонининг етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида.

Журналист Абдулхамид ал-Куббий муаллифлигидаги “Ўзбекистондаги Президент сайлови — Марказий Осиёдаги демократик модель” сарлавхали мақолада 2019 ва 2021 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари, шунингдек, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича референдум мамлакатда демократик жараёнларни ривожлантириш босқичида сиёсий аҳамиятга эга бўлгани қайд этилган. Наşрда маълум қилинишича, Ўзбекистонда муддатидан илгари Президент сайлови халқ хохиш-иродаси асосида

ланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларидан бири сифатида ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда очиқ ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни давом эттириш орқали халқаро муносабатлардаги ролини кучайтиришга интиломоқда. Ушбу сиёсат самарасида Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан минтақавий ва глобал муаммолар бўйича доимий мулоқотининг муҳим натижаларини дунё тан олмақда.

“Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида хорижий мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан дўстона



қабул қилинган янгиланган Конституция ҳамда халқаро экспертлар тавсиялари асосида тақомиллаштирилган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилди.

“Ал-Йавм” газетасида ҳам Ўзбекистон ҳаётидаги воқеалар тез-тез ёрилади. Ушбу нашр саҳифаларида “Ўзбекистон билан диний, инсон ҳуқуқлари ва атом энергияси соҳасида Англашув меморандумлари имзоланди” сарлавхали мақола босилиб чиқди.

Унда таъкидланишича, мазкур ҳужжатлар Саудия Арабистони Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича кўмита ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ислон ишлари, давлат ва иршод вазирлиги ўртасида ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўртасида имзоланган.

Кўрфаз араб давлатларида оммабоп “Al-Hadth” ва “Nabd al-Hadath” электрон нашрларида Ўзбекистонда камбағаллиқни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.

Уларда Ўзбекистонда камбағаллиқни қисқартириш йўналишидаги ишлар, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган самарали чора-тадбирлар қайд этилган. Бундан ташқари, мазкур мақоаларда Тошкентда ўтказилган “Камбағаллиқни қисқартириш бўйича илгор тажрибаларни татбиқ этиш” И халқаро форуми тафсилотлари ҳам кенг ёритилган.

Мамлакатдаги йирик онлайн нашрлардан яна бири “Swift News” ҳам Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга бағишланган туркум мақолалар ўқувчилари эътиборига ҳавола этиб келинмоқда.

Хусусан, мазкур онлайн нашрда “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас” номли мақола араб тилида жойлаштирилди.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон 2022 — 2026 йилларга мўлжал-

ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакат тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига ҳам сайланди”, дейилади нашрда.

Манабда, шунингдек, очиқ ташқи сиёсат ва халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқиш ва ишонч ортиб бораётгани, бу эса расмий Тошкентнинг халқаро рейтингдаги ўрнини мустақкамлаётгани алоҳида таъкидланган.

“Swift News” да “ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг Хива шаҳрини жаҳон мероси сифатида қабул қилган” сарлавхали мақола ҳам эълон қилинди.

Бундан ташқари, Саудия Арабистонининг “AMMONNEWS.net”, “Ain Al-Naqal”, “TradeArabia: Business news information” электрон нашрлари, “Strategic File” ва “Watana News” онлайн газеталари сингари етакчи оммавий ахборот воситаларида янги Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишига бағишланган туркум мақолалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Саудия Арабистони ОАВ томонидан эълон қилинган асқарият мақолаларда Ўзбекистон тараққиётнинг устувор йўналишларини амалга ошириш ҳамда умумий манфаатлар асосида барча қардош ва дўст давлатлар билан муносабатларни мустақкамлашдан бирдек манфаатдор экани қайд этилган.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонни янада тараққиёт эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳамда мамлакатимизнинг очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсати Саудия Арабистони эксперт-таҳлил, кенг жамоатчилик, ОАВ ва ишбилармон доира вакиллари-нинг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

«Дунё» АА.

Иномжон ҚУДРАТОВ
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

РАҒБАТ БИЗГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

Хар қайси давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан яхши маълумки, юртнинг жадал ривожланиши айнан ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган.

Интилиш

Рости, шу юрт фарзанди эканмидан қалбимда гурур ва ифтихор ҳис этаман. Чунки ҳали ёш бўлишимга қарамай, мақтансам аризрли ютуқларим бисёр. Аксарият тенгдошларим қатори ўз иқтидорим, истеъдодимни тўла намоён этиш учун яратилган имконият ва қулайликлар менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирмоқда. Ёш ижодкор сифатида шеърый тўпламларим нашр қилинди. Кўплаб танловларда қатнашиб, совриндор бўлаётганим доимо янги марралар сари ўндайверади.

Улғу шоир Фағур Ғуломнинг сатрлари биз учун аталган гўё: “Сиз, ахир, осмонни олмоқ

бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермаин?”. Бу мисралар юртимиздаги воқеликни кўзгуда акс эттиради, гўё. Ўқийман, изланаман, табдиркорлик қиламан, деган ёшлар вакили борки, давлат ва жамият чин маънода уларга елка тутаётир. Бу жараёнда ҳеч бир ўғил-қиз эътибор ва ғамхўрликлардан четда қолмапти.

“Ёшлар — келағимиз” давлат дастури ўз бизнесини йўлга қўймоқчи ҳамда табдиркорлик фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга катта имкониятлар эшигини очаётган бўлса, “ёшлар дафтери” моддий ва маънавий кўмакка тўғйонларни ижтимоий ҳимоялашда самарали механизмга айланган. Бу борадаги амалий сай-ҳаракатлар эса уларни касб-хунарга



йўналтириш, бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга замин яратмоқда.

Шунингдек, “Келажақ бунёдкори”, “Мард ўғлон” ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотлари ёшлар фаолиятини рағбатлантирувчи, мотивация берувчи, уларни янги марралар сари ўндовчи омилга айланган. Биз, ёшлар бундай зўр эътибордан қуч-қувват олиб, улуг аждодларга муносиб ворис бўлишга астойдил интиломдамиз.

Дарвоқе, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи им-

золаган ҳуқуқий ҳужжат, бу — 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”-ги Қонун эканида ҳам рамзий маъно мужассам. Аҳолисининг ярмидан кўпроги келажақ ворисларидан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, навқирон авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда олиб борилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, ватанпарвар, комил шахслар сифатида тарбиялаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу нимадан дарак? Жонажон Ўзбекистонда ёшлар қатламга “муаммо” деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида ёндашилаётганининг амалий ифодасидир.

Яна бир гап. Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентининг ташкил этилиши навқирон авлод вакиллари қонунчилик жараёнида ҳам фаол бўлишга ўндайди. Шу боис тенгдошларимиз эндиликда ўз эркинликлари,

қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига оид долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва уларга таъсир кўрсатишда демократик-фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Ёшлар парламенти келажагимиз ворисларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини юксак минбарга олиб чиқиш, қонун ижодкорлигида иштирокини таъминлаш, бўлажақ депутатлар, Сенат аъзолари ҳамда сиёсатчиларни тайёрлаш, уларни улкан мақсад ва аниқ лойиҳаларга йўналтириб бориш каби вазифаларни бажаради.

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоллигига сайланишим ўзимга бўлган ишонччи, умид ва интилишларимни оловлантирди. Маррани яна ҳам баланд олиш учун руҳлантирди.

Азиза ҚОСИМОВА,
Термиз давлат педагогика институты талабаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

ҲАЁТНИНГ ЎЗГАРИШИНИ КУТИБ ЭМАС, ЎЗГАРТИРИБ ЯШАШНИ ЎРГАНДИМ

Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ишларни оддий уй бекаси сифатида кузатар эканман, Ўзбекистонимизнинг эртанги кунидан кўнглим тўлади. Авваллари кўрганмисиз, қимдир ҳеч қаерда ишламаган, остона ҳатлаб кўчага чиқмаган аёлдан фикр сўраганини? Бугун кунда-қунора турли идора вакиллари дарвозамизни тақиллатиб келишади. Нима муаммонгиз бор, қандай ёрдам берайлик, дея юзланади.

Ташаббус

Андижон тумани ҳокимлиги вакиллари уйма-уй юриб, маҳалламиздаги қанчадан-қанча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлади, қимдир кредит маблағи ажратди. Мен каби уй бекалари учун тивув машинаси, товуқ, қўй ажратиб, ҳатто уйдан чиқмаган ҳолда ҳам даромад топишимиз учун имконият яратилди. Буларнинг барчаси жамиятимиздаги ўзгаришлар туфайли, деб биламан.



лаямпиз. Ички бозорга кеч кузгача пешма-пеш маҳсулот етказиб беришимизни ҳисобга олсак, йил давомида уйимиздан барака аримаслиги аниқ.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Давлатимиз раҳбари келувчи йилларда инсон манфаати йўлида шундай хайрли ишларни амалга оширмоқдаки, бунинг натижасида биз уй бекалари ҳам жамиятнинг фаол иштирокчисига айланиб қолдик. Энди уйда ўтирган ола-сингилларимизнинг уй хайвонларини парваришлаган, то морқада хосил етиштирган даврлари ҳам меҳнат стажига қўшилидиган бўлди. Че-варлик, сарта-рошлик, ҳамши-ралик қилаётган қизларимизни ҳам бемалол ишли, деб ата-сак бўладиган давр келди.

Вақти келиб нафақага чиқганимизда бу имкониятларнинг афзаллиқ жиҳатлари янада бўртиб кўринади, десак, асло му-болага эмас.

Сирасини айтганда, юртимиздаги бундай ўзгаришлар биз каби од-дий инсонларнинг ҳам жамиятга бўлган муноса-бати, дунёқарашимизни ўзгартириб юборди. Биз энди қачон замон ўзга-раркин, қачон яхши яшай-миз экан, деб қийиндир қўлга қараб эмас, балки ўша орзуларни ўзимиз амалга оширишни, керак бўлса, турмушимизни ўзгартириб юборишни ўргандик.

Дилфўззахон СОБИРОВА,
Андижон туманидаги
«Кўм кўча» МФЙда
истиқомат қилувчи
уй бекаси.

БИТТА ЯХШИЛИК ЎНТА БЎЛИБ ҚАЙТАДИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишидаги ролини оширишга қаратилган тадбирлар амалий натижасини бермоқда. Айниқса, аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган сай-ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. Натижада кичик бизнес ва тадбиркорликка қўл урган, ўзи ва дўгоналари учун иш ўринлари яратётган аёлларимиз, ёш қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир.

Ғамхўрлик

Шу жиҳатдан вилоятимизда бугун тадбиркорлик билан шуғулланаётган ола-сингилларимиз сонини беш йил аввалги кўрсаткич билан солиштирсак, бир неча баравар ортганининг гувоҳи бўламиз. Чунон-чи, 2019 — 2022 йилларда 16 йўналиш бўйича 8 минг 789 хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, 689 нафар аёл ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Асосийси, камбағаллик рўйхатида турган 512 нафар хотин-қиз тадбир-кор аёллар томонидан иш билан таъминланган.

Шундай тадбиркорлардан бири — Наргиза Севарова уч йил аввал 1,5 гектар май-дондаги иссиқхонада ўз биз-несини бошлаган бўлса, бугун-ги кунда йилга ўрта ҳисобда 130 — 150 тонна помидор,

100 — 120 тонна бодринг, 60 — 70 миллион сўмлик зира-вор кўкатлар етиштириб, Қирғизистон, Қозғистон, Россия, Бе-ларусь каби давлатларга экспорт қилмоқда. Эътиборлики, тадбир-кор 100 дан кўп аёлларнинг бандлигини таъминлади.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Ўтган йили “Тадбиркор аёллар муло-қоти: Ўзбекистон — Қирғизис-тон” йўл харитаси” ижроси на-тижаси” мавзюда ўтказилган халқаро бизнес форумида биз ҳам мамлакатимиз делегация-си сафида иштирок этдик. Бу ерда “Ушш академияси” ин-теллектуал ривожланиш мар-кази билан аграр соҳа бўйича 3 млн. долларлик ҳамкорлик шартномаси ҳамда “Тамага текстиль” МЧЖ ва “Ару узам” ўқув маркази билан ўзаро келишув



меморандуми тузилди. Шунинг-дек, марказимиз томонидан аёлларнинг қизиқиши, инти-лиш ҳамда лаёқатига мос касб-ни эгаллашлари учун ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис каби соҳалар бўйича ўз стартап лойиҳаларини тайёр-лаш ҳам йўлга қўйилган. Айни жараёнда “Хотин-қизларнинг энг яхши стартап лойиҳаси” танлови ўтказилиб, ғойиблар имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари, маркази-миз Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекис-тон нодавлат нотижорат таш-килотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг грант тан-ловига “Навоий вилоятининг Хатирчи, Навбахор, Нурута ва Қизилтепа туманларидаги олис қишлоқ ёшлари орасида мил-лий хунармандчилик ҳамда

тадбиркорлиқни ривожланти-риш, молиявий саводхонлигини ошириш” мавзюдаги грант лойиҳасини қўлга киритди ва вилоятдаги 564 нафар ишсиз йигит-қиз қизиқишларига қараб касб-хунарга ўқитилди.

Яратилган кенг шaroит ва имкониятлардан фойдаланиб, амалга оширган камтарона меҳнатини “Келажақ бунёдкори” медалига муносиб топигани — бу давлатимизнинг биз ёшларга юксак ишончи, ғамхўрлиги ифодасидир.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод аёллари сафининг кенгайиши, нафақат иқтисодий бeҳарoрлик, бал-ки жамиятда маънавий муҳит соғломлигининг гарови ҳам-дир. Зеро, мамлакатимиз раҳ-бари таъкидлаганидек, “хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, бал-ки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилу-вич омилидир. Агар биз меҳр-оқибат ва сadoқат тисoли, хо-надонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳа-сиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади”.

Гулҳасе РАВШАНОВА,
Навоий вилоятидаги
«Зиёкор» аёллар ва ёшлар
маркази раҳбари.



верса, жамоадорларин билан бирга қўллаб мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладик.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Қашқадарь вилоятида-ги 16 та ёғи болалар ором-гоҳида 21 минг 440 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш кўзда тутилган.

Жаҳонгир БОЙМУРОВО
(«Халқ сўзи»).

ОРОМГОҲДА 1000 НАФАР ЎҒИЛ-ҚИЗ СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

Шу кунларда Яккабоғ туманининг сўлим Кенгузар қишлоғида жойлашган “Толимаржон ИЭС” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Сохибқирон” болалар оромгоҳи ўқувчи-ёшлар билан гавҳум.

Ёз — 2023

— Ўшбу оромгоҳда мавсум давомида корхонамиз ишчи-ходимлари ҳамда Нишон туманидаги кам таъминланган оила-ларнинг фарзандларидан ибо-рат 1000 нафар болажоннинг хордиқ чиқариши режалашти-рилган, — дейди “Толимаржон ИЭС” АЖ матбуот хизмати раҳ-бари Элёр Дархонов. — Сўлим

масканда болажонларнинг мириқиб дам олиши, спорт билан шуғулланиши ҳамда ўз истеъдод ва қобилиятларини намойиш этиши учун барча шарт-шaroит яратилган.

Айни пайтда оромгоҳда расомчилик ва хорижий тил-лар тўғрoқлари фаoлият кўрсатмоқда. Шунингдек, тас-

дикланган режа-жадвал асо-сида спорт мусобақалари, ки-тобхонлик, мушоира кечала-ри ўтказиб келинаётир. Қўн-гилочар шоу ва концерт дас-турлари, қўғирчоқ театри ва цирк томошалари кам бола-жонларга қувонч бахш этипти.

Оромгоҳда вақтимиз жуда мазмунли ўтмоқда, — дей-ди Нурсайд Менглимаматов. — Турли қизиқарли тадбирлар-дан асло зерикмайсиз. Қола-

лар, ҳовлидаги катта бассейн тарбияланувчиларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтиши учун им-коният яратмоқда.

Алифбо, инглиз тили ва мате-матикадан бошлангич сабоқлар жажжиларни мактабга тайёрла-шда муҳим пойдевор вазифасини ўтапти. Айниқса, ментал ариф-метика тўғрoқига болаларнинг қизиқиши катта. Айни йўналишда тажрибали педагог Маъмура Олимжoнова машғулот олиб бо-ради. Унинг қўлида сабоқ олган кичкинтойлар эса салмоқли му-вафқиятларга эришаётир.

Умуман, замонавий муассаса-мизда болажонлар ҳар томонла-ма соғлом, баркамол ва билим-

Иштиёқ

ҚАДРИМИЗ ЮКСАЛСА, ҚАДАМИЗ ҲАМ ЮКСАЛАДИ

Халқимизда “Ерни боқсанг — ер сени боқади” деган ҳикматли нақл бор. Амударёликлар ҳам ерга меҳр берган, таъбир жоиз бўлса, ерни боқиб, ердан олган ҳосилга оиласини, туман ва шаҳар аҳолисини ҳам боқиш ниятида меҳнат қиладиган миришкорлардан.

Бугун юртимиз-да ер оламан, экин экиб, элу юрт равнақига ўз ҳиссам-ни қўшаман, деган ташаббускорларга катта имкониятлар яратилган. Аммо ердан унумли фой-даланиш, бозорла-римизни сархил мева-сабзавотлар билан тўлиқ таъ-минлаш бирмунча машаққатни талаб этади. Шунга қара-май, фермерлик касбининг бор ма-шқақат ва масъу-лиятини ўз елка-мизга ортиб, юртимиз ривож ва аҳоли фаровон-лигига ўз ҳиссамизни қўшишни ният қилганмиз.

Мамлакатимизда фермер, деҳқон ҳўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган имкониятлардан фойдаланиб, 2015 йили “Холбек-Элбек” фермер ҳўжалигини ташкил қилган эдик. Ўтган йиллар давомида пахта ва ғалладан шартномавий режаларни ортиги билан худдала, тумандаги энг илгор фермерлар қаторидан жой олишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Жорий йилги ҳосил учун фермер ҳўжалиги тасарруфидаги 94,6 гектар экин майдонининг 50 гектарига пахта, 22 гектарига бўғдой, 3 гектарига тарвуз, қолган 19,6 гектарига турли дуккакли ва мойли экинлар, полиз маҳсулотлари экилди.

Эрта баҳордан қадалган уруғ бугун ўзининг баракали ҳосилини бериб, нафақат оиламиз, балки шахарликлар дастурхонини тўлдирishга хизмат қилаётир. Туманимизда етиштирилган сабзавот-полиз маҳсулотларининг асосий қисми Нукус шаҳар деҳқон бозорига ҳўнатилади. Тарвузларимиз ўзига хос таъми билан аҳрабли туради. Куни кеча Оролбўйининг энг олис худудларидан ҳам харидорлар келди. Айтмоқчиманки, илгари фақат ўз худудимизда сотилган полиз маҳсулотимиз бугун олис Мўйноқда ҳам, хорижда ҳам талабгир.

Хуллас, фермер ҳўжалигимизда етиштирилган маҳсулотлар эндиликда нафақат халқимизнинг, балки хорижликлар дастурхонини ҳам безаб, туманимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бу айни чоғда иқтисодий имкониятимизни ҳам ошираётир. Дейлик, биргина тарвуз ҳосилининг ўзидан 100 миллион сўмдан кўпроқ даромад топиамиз.

Биласиз, кейинги йилларда бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам сув тақчиллиги сезилмоқда. Бу эса сувдан оқилона фойдаланишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, экин майдонларига сув тежовчи технологияларни жорий қилиб, томчилатиб суғориш усулидан фойдаланаётганимиз ҳар қатраси зар бўлган обихаётни тежаш бaрoбаридa мўл ҳосил гарови ҳам бўлаётир.

Бугунги фермернинг онгида ва ҳаётидаги ўзгаришлар кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини тортмоқда. Бундан ўн — ўн беш йил олдин даромад топиб нари борса машина олиш, уй қуриш мақсадида меҳнат қилган фермер бугун ўз ҳўжалиги қoшида қайта ишлаш корхонаси очиш, янги иш ўринлари яратиб, ёшларни иш билан таъминлаш нияти билан яшаётгани, айни чоғда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган дастурларда фаол иштирок этаётгани чинакам фaҳр, ифтихор эмасми?

Шундан ҳам билса бўладики, мамлакатда олиб бoрилаётган илчил ислохотлар инсон қадр-қимматини улуғлашга йўналтирилган. Асосийси, буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан эътиборга моликдир.

Иномжон МАДРАИМОВ,
Амударё туманидаги «Холбек-Элбек» фермер ҳўжалиги раҳбари.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяуртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.

Ташхиритта келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахририйт компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислom Қаримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббoев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6